

Дори-дармон ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш буйича

ШАРТНОМА № 886

«25.11.2021» 2021 йил

Наманган шаҳри

«Наманган Дори-Дармон» АЖ, бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи номидан бошқарув раиси Косимов Р.Х. бир томондан,
Н.В.Б.Т.М
бундан буён «Харидор» деб аталувчи номидан А. Рахмонов иккинчи томондан, қуйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ушбу шартномага асосан «Харидор»га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон махсулотларини ҳамда тиббиёт буюмларини етказиб беради, «Харидор» етказиб берилган дори-дармонларни ва тиббиёт буюмларни қабул қилиб олиб, тулов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Харидор» тақдим этган тулов ҳужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда «Харидор»нинг харажатлар сметасида қузда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий газна ҳисоб-рақамидан туловларни амалга оширади.

2. ДОРИ-ДАРМОН МАХСУЛОТИНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотининг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ булган сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт;
2.2. «Харидор»га дори-дармон махсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

3.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва узаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди;
3.2. «Харидор»га дори-дармон махсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади;
3.3. Дори-дармон махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган қамчиликларни «Харидор» талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

«Харидор»нинг мажбуриятлари:

3.4. Уз талабномаси буйича етказиб берилган дори-дармон махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
3.5. Дори-дармон махсулотларини мазкур шартноманинг келишувларида қурсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун «Туловчи»га тегишли ҳужжатларни тақдим этиш;

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати

200 970.40

_____ сумми ташкил этади.

Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартноманинг 1-иловасида қурсатилган;

4.2. «Сотувчи» билан «Харидор» уртасида ҳар ойнинг бошида «Харидор»нинг ёзма талабномасидан қилиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори ва нархини қилишуви имзоланади ҳамда ушбу қилишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади;
4.3. «Харидор» тегишли даврда оладиган дори-дармонлари учун амалдаги қонунчиликда қурсатилган миқдордан қам бўлмаган миқдорда, яъни 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Сотувчи» ҳисоб-рақамига утказиб, қолган 70 фоизини ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сунг 90 банк иш куни ичида ҳисоб-китоб қилинади;
4.4. «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро қилишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармонларини етказиб беради;
4.5. «Харидор» етказиб берилган дори-дармон махсулотлари учун «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни узаро қилишилган муддатларда «Сотувчи» ҳисоб-рақамига пул утказиш йули билан амалга оширади;
4.6. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортик суммада дори-дармон махсулотлари етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортик қисми учун «Харидор» томонидан ҳақ туланимайди, томонларнинг узаро ёзма қушимча қилишувига мувофиқ етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;
5.2. Шартнома бажарилишни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;
5.3. Дори-дармон махсулотлари қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади;
Хисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида қурсатилган сана дори-дармон махсулотларига ҳақ тулаш буйича «Харидор» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади;
5.4. «Харидор»нинг розилиги билан дори-дармон махсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан қабул қилинган дори-дармон махсулотлари учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак булган дори-дармон махсулот ҳисобига ҳақ туланади ва улар ҳисобига утказилади;
5.5. «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган дори-дармон махсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир;
5.6. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир нонда дори-дармон махсулоти етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа нондаги етказиб берилмаган дори-дармон махсулоти урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган дори-дармон махсулотининг урни тулдирилиши керак, бундай дори-дармон махсулот етказиб бериш «Харидор»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси буйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно;
5.7. Етказиб берилган дори-дармон махсулоти бевосита «Харидор»нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон махсулоти миқдори, уларнинг сифати қурсатилади;
5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган дори-дармон махсулоти етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Харидор»нинг буюртманомасида қурсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада қурсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Сотувчи» «Харидор»ларнинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтари юритади. Буюртманома дори-дармон махсулотларининг тегишли туркумлари етказиб беришнинг мунжалланаётган санасигача қамида 5 кун олдин чопар орқали, почта

оркали ёки бошқача тарзда берилди. Буюртманомани чопар оркали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ҳс ҳими «Харидор»да қоладиган нусхага санани курсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тугрисида белги қуяди;

5.9. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд дори-дармон маҳсулотларининг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин ҳабардор қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар уртасида келишилган жадрал буйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни тулайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар уртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади;

6.2. Етказиб берилаётган дори-дармон маҳсулот сифати, микдори «Сотувчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Сотувчи» етказиб берилаётган дори-дармон маҳсулотининг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-қитоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Харидор»га нотугри ҳисоб-қитоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тулайди;

6.3. Агар етказиб берилган дори-дармон маҳсулотининг сифати, ассортимент, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жаовоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада булмаган дори-дармон қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди;

6.4. Дори-дармон маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон маҳсулоти етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди;

6.5. Етказиб берилган дори-дармон маҳсулоти учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Харидор» «Сотувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак;

6.6. «Харидор» томонидан тегишли шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Харидор»ни жаовобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Харидор» томонидан шартномаси буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Сотувчи»нинг жаовобгарлиги ҳам қуриб чиқилади. «Сотувчи»нинг айби билан шартномасининг «Харидор» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Сотувчи» томонидан қопланади;

6.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жаовобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага қура мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини қурадилар;

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муқожаат қилишга ҳақлидир.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел қилиши қаби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиغان ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома «Харидор» ҳамда «Сотувчи» томонидан тасдиқлангандан ва газначилик булими руйҳатидан утқазилгандан сунг қучга қиради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-қитоб тулик тугалланган тақдирда тухтатилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Наманган Дори-Дармон» АЖ
Наманган ш., У.Носир қучаси, 12 уй
тел 69-227-20-30, 69-227-05-32
х/р 20210000700306609001
Миллий банк Наманган булими
МФО 00222; ОКЭД 46460
СТИР 200046886



M.B.G.T.T.M
Наманган ш. Девлетов Т
Девлетов Т
Ш.х.в. 10002860144017023101054008
УКН: 200056212
ОКОН: 81511

(газначилик булими номи)

Газна х/р _____
Банкнинг номи _____
МФО _____
Газначилик булинмаси СТИР _____



Рахбар Р.Х.Косимов
М.У.

Рахбар А.Рахмонов
М.У.

Изоҳ:*)- бюджетдан маблағ олувчининг газначилик булинмасида очилган тегишли шахсий ҳисоб варағи (шахсий ҳисоб варақлари) курсатилади.

**) - бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари буйича талаб қилиб олинган ҳисоб варағи курсатилади.

Ушбу шартнома лойиҳаси ЎзР «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунининг 10,24-34 моддалари ва ЎзР «Фуқаролик кодекси»нинг 386-424 моддалари талабларига жаовоб беради.
Хуқуқшунос

"NAMANGAN DORI-DARMON" aksiyadorlik jamiyati va "Namangan viloyat bolalar ko'p tarmoqli tibbiyot markazi" ўrtasidagi тузилган 05.01.2021 йилдаги 886-сонли шартномага

1-илова

Te W

Етказиб бериладиган gofu - gofalon ning miqdori va narhini

СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

№	Код	Дори-Дармонларнинг номи	Ул бирл	Миқдори	Нархи	Суммаси	НДС		Етказиб бериш киймаси НДС билан	Ишлаб чиқарувчи
							Ставка	Сумма		
1		Спирт этиловый "люкс" (этанол) 96,32%	кг	80,00	21 747,72	1 739 817,74	15%	260 972,66	2 000 790,40	"ANDIJON BIOKIMYO ZAVO"
Жами: Два миллиона семьсот девяносто сум 40 тийин.						1 739 817,74		260 972,66	2 000 790,40	

<p>Сотувчи: "NAMANGAN DORI-DARMON" AJ</p> <p>Манзил: Namangan viloyati, Namangan sh., U.Nosir ko'chasi, 12-uy Телефон: 03692212373, факс: 03692212134 Хисоб ракам: 20210000700306609001 Банк: НАМАНГАН Ш., ТИФ МИЛЛИЙ БАНКНИНГ НАМАНГАН БУЛИМИ МФО: 00222 СТИР: 200046886 ОКЭД: 46460</p>	<p>Харидор: Namangan viloyat bolalar ko'p tarmoqli tibbiyot markazi</p> <p>Манзил: Namangan шахари, Элбод МФЙ Ulug'bek ko'chasi, 4-uy Телефон: 692323483, 692325396 Хисоб ракам: <u>10023601401707310054001</u> Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-МФО: 00014 СТИР: 200056272 ОКЭД: 91511</p>
---	---

Рахбар: _____
М.Ў.



Рахбар: _____



(Имзо)